

- **Фахрийлар — фахримиз**

### **СУЛОЛА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Ички ишлар органлари фахрийси Шарифжон Сиддиқов бу йил июнь ойида 74 ёшга тўлади. Тетик ва сўзлари дадил отахоннинг соҳадаги фаолияти билан қизиқсангиз, бошидан ўтказганлари бир китобга жой бўлишини сезасиз. Дарвоқе, унда бу касбга меҳрни узоқ йиллар ички ишлар органлари тизимида фаолият кўрсатган отаси Усмон Сиддиқов уйғотган.

1912 йилда Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани, Совунгарлик маҳалласида туғилган Усмон Сиддиқовнинг қонун ҳимоячилари сафидан жой олишига қайсидир маънода Иккинчи жаҳон уруши сабабчи, дейилса хато бўлмайди. Аниқроғи, 1941 йилда ҳарбий хизматга чақирилган Усмон Сиддиқов дастлабки тайёргарликни Самарқанддаги отлик кўшинлари қисмида ўтайди. Сўнгра сафдошлари билан бирга поездда Тошкентга жўнатилади. Шу ердан улар жанг кечаётган ҳудудларга йўл олишлари керак эди.

Аммо пойтахтда 10 нафар йигитни ички ишлар органларида хизмат қилиш учун олиб қолишади. Улар орасида Усмон Сиддиқов ҳам бор эди. Йигитлар 9 ойлик курсда жиноятчиликка қарши кураш сирларини ўзлаштиришгач, мамлакатнинг турли ҳудудларига жўнатилади. Хусусан, Усмон Сиддиқов Фарғона водийсига кетади ва хизмат фаолиятини катта тезкор ходим вазифасида бошлайди. Бир йил ўтар-ўтмас Шаҳрихон туманидаги ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимига тайинланади ва бўлимни қарийб 10 йил бошқаради. Айни шу даврда у оила куради. Кейинчалик Усмон Сиддиқов Марҳамат тумани ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимига тайинланади.

1960 йилда Усмон Сиддиқов оиласи билан Жиззахга қайтади. У хизматини Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари лавозимида давом эттирди. Орадан 3 йил ўтиб, капитан Усмонжон Сиддиқов пенсияга чиқди. Айни шу пайтда Шарифжон ҳарбий хизматга кетишга тайёргарлик кўраётганди. Жўнаш арафасида у отасига ваъда берди: “Мен қайтганимдан сўнг ички ишлар органлари ходими бўламан”.

Шарифжон Сиддиқов 3,5 йил давомида Россиядаги ҳаво ҳужумларидан ҳимоя кўшинларида оператор вазифасида хизмат қилди. Кичик сержант юртига қайтиши билан Жиззах шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлимига ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. Бир йил ўтмасдан унга профилактика инспекторлиги ишониб топширилди. Шу билан бирга навбатчилик қисмига хизматга жалб этиларди.

Навбатчилик қисмидан икки кун кетма-кет воқеа жойига чиққан Шарифжон ёлғиз ўзи 4 нафар жиноятчини тутишга муваффақ бўлди. Бу раҳбарият эътиборини тортмасдан қолмади ва жиноят қидирув бўлимига ўтказилди.

Шарифжон Сиддиқовнинг ёшлиқда самбо билан шуғуллангани, мотоспорт ва ҳайдовчилик сирларини ўзлаштиргани, ҳарбий хизмат давомида тўплаган тажрибаси қўл келди. Қийин вазиятларда отасидан

маслаҳат оларди. У қисқа вақтда жиноят қидирув бўлимнинг етакчи ходимларидан бирига айланди ва Жиззах вилояти ИИБ жиноят қидирув бошқармасига катта тезкор вакил вазифасига ўтказилди. Кейин 5 йил давомида Жиззах шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлимига раҳбарлик қилди.

Шарифжон Сиддиқов Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, штаб бошлиғи, давлат мулкани талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлими бошлиғи, жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи, Шароф Рашидов тумани ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи, Жиззах шаҳар ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи каби лавозимларда ҳам фаолият кўрсатди. Унинг фидокорона хизматлари ҳамиша ўз эътирофини топган. Чунончи, бир қанча орден ва медалларга сазовор бўлди. Мақоламиз қаҳрамони 1997 йилда подполковник унвонида пенсияга чиқди.

— Шарифжон ака ҳалоллик ва фидойиликни ҳаётининг шиорига айлантирган инсон, — дейди Жиззах шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Холмат Нодиров. — У жамоасида темир интизом ўрната оладиган, қўл остидаги ходимларни ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган, жиноятчиликка қарши кураш борасида юқори самарадорликка эришадиган раҳбар сифатида катта ҳурмат қозонди. Шу боис қаерда жиний вазият мураккаблашса, ўша жойга ўтказиларди, чигал топшириқлар айнан унга берилар эди. Бир кўрган одамни ҳеч қачон унутмас, ҳар қандай воқеа ва ҳодисалар тафсилотларини эслаб қолади. Оғир ва босиқ, хулоса чиқаришга шопилмайди. Ушбу фазилатлари кўплаб жиноятларнинг “иссиқ изи”да фош этилишига омил бўлди. Хуллас, билими, ақли ва шижоати сабаб жиноят қидирув соҳасининг усталаридан бирига айланди. Шу билан бирга ўнлаб шогирдлар тарбиялади. Жиноят қидирув бўлими ходимлари ҳозир ҳам ундан маслаҳат олиб туришади.

Шарифжон Сиддиқов турмуш ўртоғи Валентина опа билан бирга 4 нафар фарзанд улғайтиришган. Улардан икки нафари ўқитувчи, яна бири вилоят санитария-эпидемиология осойишталик марказида ишлайди. Ўғли Шухрат Сиддиқов бобосининг, отасининг изидан бораётир. У айни вақтда Ўзбекистон Республикаси ИИБ махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармасининг Жиззах вилояти махсус отрядида гуруҳ командири, подполковник.

Шарифжон Сиддиқов 10 нафар набиралари орасидан ҳам ички ишлар органлари ходими этишиб чиқишига ишонади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,  
“POSTDA” мухбири.  
Жиззах вилояти.**